

THE CONCEPTUAL PAIR OF “KNOWLEDGEABILITY” AND “IGNORANCE”

**Shamshiyeva Saodatxon Saydumarjon qizi teacher of Andijan State of
University**

Annotation. This article examines the conceptual domains of knowledgeability and ignorance, exploring the linguistic units that represent these notions, their role and significance in human life, and their spiritual foundations. The study argues that language functions not only as a tool for expressing this pair of opposing concepts but also as an important means of shaping their social, cultural, and personal significance.

Key words knowledgeability, ignorance, associative concepts, knowledge, learning, intellect, wisdom, light, lack of knowledge, unenlightenment, narrow-mindedness, incorrect thinking, backwardness, ignorance, foolishness, lack of reason, spiritual decline.

Концептуальная пара «наученность» и «невежество»

Аннотация:

В данной статье рассматриваются концептуальные сферы наученности и невежества, анализируются языковые единицы, выражающие эти понятия, их место и значение в жизни человека, а также их духовные корни. Подчеркивается, что язык служит не только средством выражения этой пары противоположных концептов, но и важным инструментом в определении их социального, культурного и личностного значения.

Ключевые слова: наученность, невежество, ассоциативные понятия, знание, обучение, интеллект, мудрость, свет, незнание, неосвещённость, узость мышления, неправильное мышление, отсталость, невежественность, глупость, отсутствие разума, духовная деградация.

ИЛМЛИЛИК ВА ИЛМСИЗЛИК КОНЦЕПТ ЖУФТЛИГИ

Аннотация: ушбу мақолада “илмлилиқ” ва “илмсизлик” концептларига оид тушунчалар доираси ва уларни ифодаловчи тил бирликларининг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳамда маънавий илдизлари, тил бу икки қарама-қарши концептни нафақат ифодалаш, балки уларнинг ижтимоий, маданий ва шахсий аҳамиятини белгилашда ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилиши хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: *илмлилиқ, илмсизлик, ассоциатив тушунчалар билим, уқув, ақл-идрок, заковат, ёруғлик, билимсизлик, маърифатсизлик, тафаккур торлиги, нотўғри фикрлаш, жаҳолат, жоҳиллик, нодонлик, ақлсизлик, маънавий таназзул.*

Илмлилиқ ва илмсизлик концептлари лингвوماданий жиҳатдан муҳим хусусиятларга эга. Илмлилиқ – бу маълумот, билим, ва сақланган ҳуқуқий манбалар асосида ўринли, таъсирчан ва ривожлантирувчи қарорлар қабул қилиш қобилияти, иқлимсизлик эса маълумотдан мақбул фойдаланмаслик, ақлий ёндашувни англамаслик ва мулоҳазасиз қарорлар қабул қилишдир.

Илмлилиқ, аввало, фикрлаш тарзида кўринади: илмли инсон маълумотларни аналитик ва танқидий таҳлил қилинишига ўрганади, ўзаро алоқадор жиҳатларини излайди, шунга мувофиқ қарорлар қабул қилади.

Илмлилиқ инсоннинг толерантлик, яратувчанлик ва идрок қобилиятини, маданият ва жамият ривожини белгилайди, илмсизлик эса бунинг аксидир. Шу тариқа, бу икки тушунча орасидаги фарқлар ижтимоий ҳаёт, маданият ва инсониятнинг умумий келажагига тўғридан-тўғри таъсир ўтказади.

Илм – [арабча билим; фан; назария) 1 Ўқиш-ўрганиш ва тадқиқот, таҳлил этиш билан эришиладиган билим; кўникма, маълумот.

2. Иш-фаолиятнинг илм билан боғлиқ соҳаси; табиат ва жамият ҳақидаги билим-лар тизими; фан.

3.. Иш-фаолиятнинг маълум бир соҳасига оид билим, таълимот, малака. (ЎТИЛ, 2-жилд, 227-б.)

Гарчи изоҳли луғатда уч хил маъно тавсифланган бўлса-да, бу маънолар ўзаро алоқадор ассоциатив тушунчаларни ифодалайди.

Илмли, илмлилик тушунчалари ана шу “илм” асосига *-ли, -лик* морфемаларини қўшиш орқали ясашиб, “билимга эга бўлиш”, “маърифатлилик” маъноларини англатади. Бу концепт **семантик жиҳатдан** билим, тажриба, фикрлаш маданияти, маънавият, зеҳн ва ахлоқ билан боғлиқ маънолар мажмуасини қамраб олади. **Маданий жиҳатдан** эса “илмлилик” инсоннинг камолот даражаси сифатида қаралади. “Бешикдан қабргача илм изла”, “Илм излаш ҳар бир мусулмон учун фарз” каби ҳадислар илмий билимнинг қадрини кўрсатади.

“*Илмсизлик*” атамаси *илм* ва *-сиз* (сифат ясовчи аффикс) ҳамда *-лик* (от ясовчи аффикс) орқали ясалган. Бу атама **семантик жиҳатдан** у билимсизлик, маърифатсизлик, тафаккур торлиги, нотўғри фикрлаш, жоҳиллик каби маъноларни қамраб олса, **маданий жиҳатдан** нафақат билим йўқлиги, балки ахлоқий нуқсон сифатида ҳам қабул қилинади (“Жоҳил киши душман кабидир”).

Хусусан, Ислом инсонни илмга чорлайдиган диндир. Бу ерда сўз фақат диний илмлар ҳақида эмас, балки инсонни жаҳолатдан халос этадиган барча фанлар ҳақида бормоқда. Диний илмлар бўладими ёки дунёвий фанлар – табиат, психология, тарих, география, социология, математика ва бошқалар бўладими – Аллоҳ мусулмонларни уларни ўрганишга даъват этади. Зеро, шу илмлар орқали инсон Аллоҳнинг қудрати ва улуғлигини чуқур англайди, ҳаётида улардан фойда кўради.

Қуръон оятларида, Ислом таълимотида илм талаб қилиш ҳар бир муслим ва муслимага фарз эканлиги уқтирилади. Олимларнинг таъкидлашича, Қуръони каримда “илм” сўзи 765 маротаба такрорланади. Бу эса Аллоҳ Таолонинг наздида илмнинг нақадар муҳимлигини кўрсатади. Аллоҳ ўз Каломида

марҳамат қилади: “Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур (Мужодала сураси 11-оят).

Инсоният фалсафий онгида **“илм инсонни юксалтиради, илмсизлик эса тубанлаштиради”** деган ғоя устувор ҳисобланади. Шарқ маданиятида ҳам, Ғарб маданиятида ҳам илм, албатта, қадрланади.

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарининг “Инсоннинг қадри билим билан белгиланади” деб номланган қисмида илмнинг хосияти, билим – бахт калити, илмсизликнинг жаҳолат эканлиги хусусида чуқур мулоҳазалар баён қилинган.

Илмлилик ҳақида:

Сечу, яъни ҳар ерда маълум Худо, инсонни яратди,

Танлади, унга ҳунар, билим ва уқув берди.

Билим берди (шу туфайли), инсон бу кун улуғликка эришди,

Уқув берди, сўнг (шу туфайли берк) тугунлар ечилди.

Худо кимга уқув, ақл-идрок, билим берса,

У кўп эзгуликлар қилишга қўл узатади.

Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади,

Билим кимда бўлса, буюклик олади.

Заковатли уқади, билимли билади,

Билимли, заковатли тилакка етади.

Илмсизлик ҳақида:

Билимсиз кишилар барчаси дардлик бўлади,

Дардни даволамаса, киши бот ўлади.

Кел, эй билимсиз, дардингга даво қил,

Билимсиз (бўлсанг) – тубансан, доно (бўлсанг) – бахтлисан.¹

Асарда Аллоҳ таоло инсонни яратар экан, унга билим, ҳунар ва уқувни неъмат қилиб берганлиги, ва улар туфайли одамзод улуғликка эришганлиги,

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг”дан // <https://e-adabiyot.uz>

уқувли, билимли ва заковатли одамларгина кўп эзгу ишлар қила олиши баён қилинади. Шоир илмсизликни бир дард, касаллик ва унинг давоси илм олиш деб таърифлайди.

Адиб Аҳмад Югнакий “Илмсизга тўғри сўз маъносиздир, унга ўғит-насихат фойдасиздир. Илмсиз киши нима гапирса, нодонлиги сабабли сўзлайди, шунинг учун унинг тили ўз бошини ейди”², - деб ёзади.

Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида ўзига хос маънавий қадриятлар тизими таърифлаб берилган. Асарда “илм” тушунчаси *гайрат, шижоат, қаноат, сабр, интизом, виждон, ватанни севмоқ, ҳаққоният, идрок, зако* каби қадриятлар қаторида – “яхши хулқлар” деган умумий ном остида таҳлил қилинади³.

Илмлилик ва илмсизлик бир илдиздан келиб чиққан, аммо **семантик қарама-қаршиликка асосланган концепт жуфтлиги** ҳисобланади. Улар нафақат **лексик**, балки **маданий-ахлоқий қиймат тизимида** ҳам бир-бирига қарши қўйилади. **Шарқ маданиятида илмлилик** инсоннинг маънавий комиллик даражаси сифатида эътироф этилса, **илмсизлик** жаҳолат ва ахлоқий пастлик белгиси деб баҳоланади. Қуйидаги жалвалда шу асосда уларнинг асосий фарқларини белгилашга ҳаракат қилдик:

№	Лингвомаданий манба	Илмлилик	Илмсизлик
1	Шарқ тафаккури	Инсон камолотининг белгиси, маънавият манбаи	Инсоннинг жаҳолатда қолиши, маънавий таназзул
2	Ислом дини асосида	Илм талаб қилиш ибодат сифатида баҳоланади	Жоҳиллик гуноҳ сифатида кўрилади

² Адиб Аҳмад Югнакий. “Ҳибату-л-хақойиқ”дан // <https://e-adabiyot.uz>

³ Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). – Тошкент: Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти нашриёти, 2004. – Б.27

3	Замонавий талқинда	Илмий-таълимий ривожланиш, инновация билан боғлиқ	Ахборот танқислиги, фикрлашдан четланиш билан боғлиқ
4	Ассоциатив тушунчалар	билимдонлик, маърифатлилик, зийраклик	жоҳиллик, нодонлик, ақлсизлик
5	Иборалар	ғайб илми, илм олами, илм закоти, илмини хор қилмоқ (илмини хўр қилмоқ), илм аҳли	
6	Мақол ва маталлар	Илм – ёруғлик, Жаҳолат – зулмат. Илм-у ҳикмат сувни ёндирар. Илм – тубсиз қудуқ. Илм ўлчови – ақл, Зеҳн ўлчови – нақл. Илмли уй – чароғон Илмлининг сўзи – ўқ. Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмас. Илм истасанг, такрор қил.	Илми йўқнинг кўзи юмуқ. Билмас табиб жон олар. Билмасанг, билгандан сўра. Илмсиз имомдан тухум қилмайдиган товуқ яхши. Илмсиз олим – тўқимсиз эшак. Илмсиз уй – зимистон Илмсизга ишонч йўқ, Ҳунарсизга қувонч йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, илмлилик концепти доирасида *билим, уқув, ақл-идрок, заковат, ёруғлик, маърифат, ривожланиш, камолот, маънавий юксалиш, илмсизлик концептосферасига билимсизлик, маърифатсизлик, тафаккур торлиги, нотўғри фикрлаш, жаҳолат, жоҳиллик, нодонлик, ақлсизлик, маънавий таназзул, тубанлик, хорлик* каби тушунчалар жамланади.

Илмлилик/илмсизлик билан боғлиқ тил бирликларини, асосан, қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

Отлар:

- *билим, уқув, ақл-идрок, заковат, ёруғлик, маърифат, камолот, фикр, тафаккур, фаҳм, тадқиқот, зеҳн, устоз;*
- *билимсизлик, маърифатсизлик, жаҳолат, жоҳиллик, нодонлик, ақлсизлик, тубанлик, хорлик, қарамлик.*

Сифатлар:

- *билимдон, олим, мутафаккир, оқил, зийрак, заковатли, зеҳнли, ўқимишли, фозил, маърифатпарвар, хабардор, донишманд;*
- *билимсиз, гофил, нодон, саводсиз, фикрсиз, бефаҳм.*

Феъллар:

- *ўқиш, ўрганиш, ўйлаш, ривожланиш, илм олмоқ, тадқиқ қилиш, таҳлил қилиш, изланиш, англаш, фаҳмлаш, ёд олиш, хулоса чиқариш;*
- *ўқимаслик, уқмаслик, тушунмаслик, билмаслик, ўрганмаслик, инкор этиш, эътибор бермаслик, адашиш, унутиш.*

Сўз бирикмаси ва иборалар:

- *маънавий юксалиш, чуқур билим, кенг тафаккур, теран идрок, илмий изланиш, фойдали билим, билимга чанқоқлик, фикр заковати, маънавий бойлик, илм чироғи, илм йўли, маърифат йўли, донишманд инсон,*

заковатли ёшлар, билим манбаи, илм даргоҳи, илм аҳли, ўқимишли инсон, маърифатли жамият, ақл билан иш тутуши

– тафаккур торлиги, нотўғри фикрлаш, маънавий таназзул, ҳақиқатдан беҳабарлик, жаҳолат зулмати, нодон одам, саводсиз жамият, фикрсиз хатти-ҳаракат, беақл қарор, ғофил инсон, билимсиз ёшлар, қарамлик ичида қолмоқ, нодонлик ифодаси, маърифатдан узоқлик; жаҳолат ботқоғига ботмоқ; илмсизликдан азият чекиш, фикрсизлик балоси.

Мазкур тил бирликларининг таҳлили, илмлилик ва илмсизлик концептларининг ўзбек тилида нақадар бой ва кўп қиррали ифодаланишини яққол кўрсатади. Бу ифодалар фақат билимнинг бор ёки йўқлигини билдирмасдан, балки шахснинг тафаккур тарзи, дунёқараши, ижтимоий мавқеи ва ҳатто ахлоқий қийматларини ҳам ўз ичига олади.

Божхона институтида зукко ва зеҳнли курсантлар иштирокида “Заковат” интеллектуал ўйинининг финал босқичи бўлиб ўтди. Божхона институтида мунтазам таъкил этиб келинаётган мазкур танлов курсантларнинг мустақил фикрлаши, мантиқий тафаккур, китобхонлик маданиятини шакллантиришида ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келмоқда. (<https://uza.uz>)

Илмлилик ва илмсизлик концепт жуфтлигига оид тил бирликлари халқнинг маънавий дунёқараши, қадриятлари ва тафаккур тарзини ифода этади. Бу бирликлар орқали жамиятда билим ва маърифатга бўлган муносабат, шунингдек, жаҳолат ва илмсизликнинг салбий оқибатлари намоён бўлади.

Илмлиликка оид сўзлар, асосан, **ижобий** маънога эга бўлиб, инсоннинг фикрлаш, англаш, тадқиқ қилиш, ўрганиш, ривожланиш каби фаолиятини ифодалайди. Улар маънавий юксалиш, заковат, ақл, фикр, маърифат каби тушунчаларни англатади ва ижтимоий тараққиётни белгилайди.

Илмсизликка оид бирликлар эса **салбий** мазмунда бўлиб, жаҳолат, нодонлик, фикрсизлик, ғофиллик, маънавий таназзул каби ҳолатларни акс

эттиради. Бу сўзлар инсон ва жамиятнинг орқада қолишини, ҳақиқатни англай олмаслик ва инқирозга юз тутишини ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, тил бирликлари орқали илмлилик – нур, маърифат ва тараққиёт рамзи сифатида, илмсизлик эса – зулмат, жаҳолат ва таназзул илдизи сифатида намоён бўлади. Шу боис ҳар бир инсон ва жамият илмга интилиши, маърифат чироғини ёқиб, жаҳолат зулматидан узоқлашиши лозим. *Илмлилик* ва *илмсизлик* концептларининг лингвистик хусусиятларини таҳлил қилиш халқнинг билимга ва тафаккурга бўлган муносабатини чуқур очиб беради. Тил бу икки қарама-қарши концептни нафақат ифодалаш, балки уларнинг ижтимоий, маданий ва шахсий аҳамиятини белгилашда ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Илмлиликни улуғлаш ва илмсизликни қоралаш жамиятнинг узоқ йиллик маданий тарихи ва қадриятларидан келиб чиқадиган муҳим тенденциядир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Адиб Аҳмад Югнакий. “Ҳибату-л-ҳақойиқ”дан // <https://e-adabiyot.uz>
2. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). – Тошкент: Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти нашриёти, 2004. – Б.27
3. Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг”дан // <https://e-adabiyot.uz>
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007.